# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 9 август, № 155 (5829) Жума


**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**ҚАРОРИ**

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Фермерлар кенгашининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида республика минтақаларида ҳудудий филиаллари бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари ҳисоблансин:

талаб-эҳтиёжга бўлган жорий ва истиқболдаги конъюнктурани ўрганиш юзасидан ташқи бозорларнинг чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда мамлакатимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни экспорт қилиш учун потенциал имкониятларни аниқлаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ассортименти ва турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатдошлик даражасини аниқлаш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, бунинг асосида экспортга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги талаб-эҳтиёжга мос келишини таъминлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришда, эҳтимол тутилган харидорларни излашда, шартномаларни тайёрлаш ва тузишда, экспорт операцияларини амалга оширишда, экспорт қилувчиларни эҳтимол тутилган хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилишда, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензиялар, сертификатлар ҳамда бошқа рухсатнома ва йиғимларни олиш ва тўлашда юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чет эллардаги тендер савдоларидаги иштирокини кенгайтиришга, шунингдек, ярмаркалар, "давра столлари" ва бошқаларни ташкил этиш йўли билан мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан хорижий харидорларнинг мулоқотларини ташкил этишга кўмаклашиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси нодавлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

Жамғарма фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатади ва ёрдам беради;

Жамғарма Кенгаши Жамғармани бошқариш юқори органи ҳисобланади, ижро этувчи дирекция Жамғарманинг ижрочи органи ва унинг маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади;

Жамғарма маблағларининг бошланғич миқдори 5,0 миллиард сўмни ташкил этади, бунинг 2,5 миллиард сўми давлат бюджети маблағларидан бериладиган бир йўла бадал ҳисобига, қолган қисми эса муассислар — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, шунингдек, бошқа тижорат банклари, молиявий институтлар ва донорларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига шакллантирилади;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатишдан халқаро амалиётда умумқабул қилинган миқдорларда — шартнома қийматининг 3 фоизигача бўлган комиссион ажратмалар тарзида олинган даромадлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Жамғарма маблағларининг манбалари ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, юксак муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.

Жумладан:

Америка Қўшма Штатлари Президенти
**Барак Ҳусейн Обама;**

Иордания Подшоҳи
**Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн;**

Сингапур Республикаси Президенти
**Тони Тан Кенг Ям;**

Сингапур Республикаси Бош вазири **Ли Сян Лун;**

Туркманистон Президенти
**Гурбангули Бердимуҳамедов;**

Озарбайжон Республикаси Президенти
**Илҳом Алиев;**

Тожикистон Республикаси Президенти
**Имомали Раҳмон;**

Туркия Республикаси Президенти **Абдуллоҳ Гул;**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти
**Абдулазиз Бутефлика;**

Исроил Бош вазири **Биньямин Нетаньяху;**

Бирлашган Араб Амирликлари
Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири
**Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён;**

Ислом ҳамкорлиги ташкилоти Бош котиби
**Акмалиддин Эҳсонўғли;**

Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган **ватандошлар** ўз табрикларини йўлладилар.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

*Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш мақсадида демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган сиёсий-ҳуқуқий база яратилди.*

## Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашнинг мустаҳкам кафолати

Кенг кўламли ва тизимли ислоҳотларнинг моҳиятида ҳам ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан, ахборот олиш ҳуқуқини тўлақонли рўёбга чиқариш учун кенг шароит яратиш мақсади мужассамдир. Бунда давлат институтлари фаолиятининг инсон ва жамият учун очиқ бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, фуқаролар давлат органлари ва муассасалари қандай ишлаётгани ҳақида етарлича ахборотга эга бўлсагина, унинг фаолияти самарали бўлади.

Сир эмас, фуқароларнинг ахборот олиш эркинлиги нечоғли таъминланса, уларнинг давлатга бўлган ишончи шунча ортади. Шу билан бирга, давлат органлари томонидан қарор қабул қилишда ошкоралик ва очиқликнинг таъминланиши фуқароларнинг давлат ва унинг тузилмалари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш жараёнини такомиллаштиришга имкон беради.

Давлатимиз раҳбари Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ташаббусини илгари сурган эди. Ушбу ҳужжат ахборот олиш соҳасида давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришга қаратилгандир.

Шу ўринда қонун лойиҳаси номига алоҳида эътибор қаратиш лозим. У нафақат давлат ҳокимияти органлари, балки бошқарув органлари очиқлигини ҳам назарда тутади. Давлат ҳокимияти органлари вакиллик, ижро ва суд ҳокимиятларидан иборат. Бошқарув органлари эса давлат бошқаруви ҳамда хўжалик бошқаруви органларига бўлинади. Эслатиб ўтамиз, вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари давлат бошқаруви органлари жумласига киради. Республика давлат бошқаруви органлари ва уларнинг тегишинча ҳудудий бўлимларининг асосий вазифа ва функциялари инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш ҳамда меҳнат бозорини тартибга солиш ва бошқалардан иборатдир.

Хўжалик бошқаруви органлари эса турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда: акциядорлик компаниялари, турли ассоциациялар ва бошқа хўжалик субъектлари шаклида ташкил этилиши мумкин. Уларнинг давлат бошқаруви органларидан фарқи шундаки, улар назорат қилиш ваколатига эга эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиқлиги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун қабул қилинишидан кейингина таъминланади, дейиш нотўғри бўлади. Ўтган даврда бу борада муайян тажриба шаклланди.

(Давоми 2-бетда).

## Юрт обод, диллар шод, иқболимиз порлоқ



*Нуронийларимиз дуога қўл очганда, "Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин," дея тилак билдиришади. Негаки, осойишталик ва хотиржамлик ҳукм сурган мамлакатдан қут-барака аримайди, омад ва ютуқлар навбатма-навбат эшик қоқиб келаверади.*

ИФТИХОР

Муҳими, бундай заминда яшаётган ҳар бир инсон бахт нималигини теран ҳис этади, хотиржамликда ҳаёт кечиради. Бу ҳақда бежиз сўз очмадик. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, оилалар, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эзгу ишлар ана шу мақсадни кўзда тутганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда оилаларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш, бу масканда камолга етаётган фарзандларимиз иқтидорини юзага чиқаришга йўналтирилган кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасини ўғил-қизларимизнинг қувончу шодлиги мисолида яққол кўриш мумкин. Айниқса, айни кунларда болажонларнинг хурсандчилиги янада жўш урган. Ота-оналар уларга ҳар галгидан ҳам кўпроқ эътиборли бўлиб қолишган: кимдир жажжигина ўғилчасига янги уст-бош олиб берган бўлса, кимдир ўйинчоқ совға қилди. Бошқа бирлари фарзандларини ёнига олиб, юртимизнинг сўлим гўшаларида мириқиб ҳордиқ чиқармоқда ёки мустақиллик рамзи бўлган иншоотларни зиёрат қилишмоқда.

— Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида яшаймиз, — дейди Алишер Абдураҳмонов. — Касбим — ҳайдовчилик. Турмуш ўртоғим эса фуқаролар йиғинида масъул котиб бўлиб ишлайди. Уч нафар фарзандимиз бор: Нурмуҳаммад ва Муниса мактабда ўқийди, Иброҳим боғчага боради. Болаларимга "Мустақиллик майдонига олиб бораман", деб ваъда бергандим, мана, олиб келдим. Уларнинг бу ердаги ободлик, орасталикни кўриб, қувонганларини айтмайсизми. Ниятимиз — шуларнинг тугал бахтини кўриш.

(Давоми 2-бетда).

## Меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат айёми

*Бугун мамлакатимизда рўй бераётган кенг кўламли ислоҳотлар, улуғвор бунёдкорликлар юртдошларимиз қалбида ифтихор ва ғурур туйғуларини жўш урдираяпти.*

ДИЛ СЎЗИ

Зеро, истиқлол йилларида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг барчаси инсон ва унинг манфаатларига қаратилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Зотан, биз тинчликни, осудаликни севадиган, қадрлайдиган халқмиз. Дилимиздаги орзу-ниятлар ижобати, фарзандлар камоли, юрт тараққиёти ҳам ана шу бебаҳо неъматга боғлиқ экан, демакки, жонажон Ўзбекистонимиздаги барқарор ҳаётнинг қадрига етмоғимиз, уни кўз қорачиғидек асрамоғимиз лозим. Барча йилларда бўлганидек, Обод турмуш йилида ҳам эл-юрт манфаатига қаратилган янгиланиш ва ўзгаришлар сизу бизнинг, фарзандларимизнинг эртаси бугунидан ҳам нурафшон бўлишига хизмат қилмоқда.

Умуман, мустақиллик шарофати билан халқимиз учун чексиз имкониятлар эшиги очилди. Бунинг бахт-саодати ҳам ниҳоятда улуғдир. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг кеча матбуотда эълон қилинган "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарори барча юртдошларимизни беҳад қувонтирди.

Рамазон ҳайити — улуғ байрам. Бундай шодиёна кунларда хушчақчақ ва шодон бўлиб, аҳли оила, қариндош-уруғ, қўни-қўшнини қутламоқ савоб амаллардан саналади. Бинобарин, силаи раҳм, меҳр-оқибат, саховат каби халқимизга хос хислатлар бу кунларда янада яққолроқ намоён бўладики, бу ҳам ушбу айёмнинг азалий қадриятларимизнинг ажралмас қисмига айланганидан далолатдир. Шундай экан, мазкур шодиёна давомида йиғи-сиғи қилиб мотам тутиш, турли бидъат-хурофотларга берилиш асло ярашмайди. Аксинча, ҳайитнинг кўнгилдагидек ўтишини, бу фурсатда ташкил этиладиган турли маросимларда дастурхонларимизнинг бундан-да барокатли бўлишини Аллоҳ таолодан сўраш, шукрона қилиш мақсадга мувофиқдир.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Шу йилнинг январь — июнь ойлари мобайнида юртимизда**

**43** **миллиард сўмликдан зиёд инновация маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.**

Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида тузилган шартномалар доирасида илғор инновациялар, замонавий ишланмалар ҳамда тежамкор технологияларни оммавий равишда ишлаб чиқаришга жорий этиш шу кўрсаткични таъминлади.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Жамғарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларига:

экспортга мўлжалланган маҳсулотнинг мамлакатимиз брендларини ривожлантириш, экспортга етказиб беришни олға силжитиш, жумладан, хорижий мамлакатларнинг қонунчилигига мувофиқ зарур лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг халқаро тендер савдоларида иштирок этиши билан боғлиқ рўйхатдан ўтиш йиғимлари ҳамда бошқа тўловларни тўлаш; экспорт шартномаларини тузган, янги бозорларга чиқиш ва янги маҳсулот турларини экспорт қилишни таъминлаган ҳолда чет эллардаги кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш учун беғараз молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, жумладан, унинг ҳудудий филиаллари 2019 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар, йиғимлар, бож ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин, ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

6. Белгилаб қўйилсинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарлар ва хизматларни олдиндан ҳақини тўламасдан, аккредитив очмасдан ёки ўрнатилган тартибда берилган экспорт шартномасининг суғуртаси бўйича полис мавжуд бўлганида 180 кун мобайнида маблағ келиб тушиши ёки орқага қайтариш муддати кафолатисиз хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

7. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда Жамғарма муассисларининг ташкилий йиғилишини ўтказиш, унинг низомини тасдиқлаш ҳамда Жамғарма Кенгашини шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жамғарма Кенгаши бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

Жамғарма ижро этувчи дирекцияси ва унинг ҳудудий филиаллари тузилмасини тасдиқласин, Жамғармани маркетинг, ташқи савдо операциялари ва халқаро ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Жамғарма ижро этувчи дирекциясини Тошкент шаҳар, F. Fулом кўчаси, 1-уйда жойлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин, уни зарур техника, асбоб-ускуналар ва алоқа турлари билан жиҳозлаш кўзда тутилсин.

Жамғарма Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда икки ой муддатда Жамғарманинг ҳудудий филиаллари шакллантирилиши ва жойлаштирилишини таъминласин.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясини ва унинг ҳудудий филиалларини жойлаштириш ижара ҳақи ундирилмасдан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 8 август

---

### 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

*Ички ишлар вазирлиги академиясида “Фуқаролар осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — обод турмуш гарови” мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Президентимизнинг 2013 йил 14 февралдаги “Обод турмуш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ҳамда 2013 йил 12 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорлари талаблари асосида ташкил этилган тадбирда парламент аъзолари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари, бир қатор олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.*

# Тинчлик ва осойишталик — тараққиёт омили

Таъкидланганидек, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳамда аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Шуларга мос равишда ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкорлиги кенгайиб бораётир. Ўз навбатида, бу инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли кафолатлаш, хусусан, юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тинч-тотув, ҳамжиҳат бўлиб яшашини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Ёшларимизни турли диний-экстремистик оқимлар ва “оммавий маданият”нинг таъсирига тушиб қолишдан ҳимоялашда ҳам ушбу ҳамкорлик қўл келаётгани ҳеч кимга сир эмас.

— Инсонпарварлик ва адолат тамойиллари мустаҳкам қарор топган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш халқимизнинг улуғвор мақсади бўлиб, бу борада истиқлол йилларида улкан ютуқлар қўлга киритилди, — дейди ИИВ академияси ўқув бўлими бошлиғи Абдураҳмон Пардаев. — Бунда, албатта, Конституциямиз мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, унда фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш давлатнинг устувор вазифаси сифатида белгилаб қўйилган. Барча жабҳаларда рўёбга чиқарилаётган ишлар туб моҳиятида ҳам ушбу конституциявий тамойил етакчилик қилади. Буни ички ишлар тизими ислоҳотлари ва унинг пировард натижалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2001 йил март ойидаги Фармони билан соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш тизими ҳам тубдан янгиланди. Масалан, ўтган даврда Академиянинг кундузги таълим йўналишлари бўйича 10 минг нафарга яқин офицерлар, Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида қарийб 10 минг нафар сержантлар тайёрланди. Олий академия курсларида 600 га яқин раҳбар кадрлар етишиб чиқди. Истиқлол даврида Академия профессор-ўқитувчилари томонидан 120 га яқин дарслик, 450 та ўқув қўлланмаси, 70 дан зиёд монография ва бошқа турли адабиётлар чоп этилдики, буларнинг барчаси малакали кадрларни тайёрлашда қўл келаяпти.

Илмий-амалий анжуманда Академия жамоаси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан нашрга тайёрланган “Ички ишлар органларидаги ислоҳотлар — тинчлик ва осойишталик гарови” номли монографиянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам маълумот берилди. Жумладан, ушбу китобда юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш мақсадида ички ишлар органларида олиб борилаётган изланишларга кенг ўрин берилган.

Шунингдек, тадбирда ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг инсон эркинликлари ва манфаатларини ҳамда аҳолининг осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, хусусан, унинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

**Ш. ХОЛТЎРАЕВ.**

---

# Юрт обод, диллар шод, иқболимиз порлоқ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мустақиллик майдонига фарзандларимиз билан тез-тез келиб турамиз, — суҳбатга қўшилади оила бекаси Нозимахон Абдураҳмонова. — Бундай улуғ жойларни юртимиздаги ҳар бир бола кўриши, фахрланиши керак, деб ўйлайман. Бунинг учун биз, ота-оналар мустақиллик, истиқлол рамзлари моҳиятини болаларимизга чуқур тушунтиришимиз керак. Бу ердан чиқиб истироҳат боғига боришни режа қилганмиз.

— Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида шифокор бўлиб ишлайман, — дейди Жамил Нарзиев. — Турмуш ўртоғим Дилорахон уй бекаси. Фарзандимиз Камронбек бир ярим ёшда, эркаликлари шунга яраша. Кеча бобо ва момосидан, биздан бир дунё совға олди. Бугун эса мустақил юртимизнинг юраги бўлган майдонда сайр қилиб юрибмиз.

— Менга ойим ўйинчоқ олиб бейдила, — дейди тили атак-чечак бўлиб чиқаётган Камронбек. — Яна музқаймоқ...

Ободлик, гўзаллик, хушнудлик, тотли дамлар севинчлари таърифи жуда ҳам узун. Мустақиллик шодиёналари арафасида юртимизда аллақачон байрам руҳи ҳукмрон.

Бахту саодатингиз бундан-да зиёда бўлсин, азизлар!

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

---

# Меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат айёми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Не бахтки, мустақиллик туфайли динимиз ва миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва шижоати билан минг йиллик тарихга эга, ўтмиш қаъридан оламга нур таратиб келган муқаддас обидалар — масжид ва мадрасалар мўмин-мусулмонларга қайтариб берилди. Қадим аждодларимиздан қолган тарихий меросимиз тикланди, инсоний қадриятларимизнинг асосини ташкил этган маънавий мерос таълимотларидан баҳраманд бўла бошладик. Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш даражаси тобора юксалмоқда.

Истиқлол неъмати боис юртимизнинг ҳар бир гўшаси кундан-кунга янгича чирой очаяпти. Қад ростлаётган замонавий иншоотлар, обод этилаётган зиёратгоҳлар файзу баракот бахш этмоқда. Алҳол, бундан чексиз миннатдор бўлмоғимиз, Яратгандан юртимиз фаровонлиги, халқимиз тинчлигини янада зиёда қилишлигини сўрамоғимиз нақадар гўзал амалдир.

**Шайх Абдулазиз МАНСУР, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.**

---

# Ёшлар фестивали

*Бухорода Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан “Биз буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.*

### ТАДБИР

Унда мамлакатимиз пойтахтидан келган таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар қатнашди.

Уч кун давом этган фестивалда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кўнгилочар тадбирлар уюштирилиб, навқирон авлод вакиллари билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан “Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти”, “Депутат ва ёшлар”, “Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси”, “Биз соғлом турмуш тарафдоримиз”, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин”, “Ватан тараққиётига — менинг ҳиссам!” деб номланган қатор лойиҳалар доирасидаги учрашув ва акциялар қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

— Мазкур тадбирлар қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтди, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши фаолларидан бири Д. Насуллаева. — Улар ёшларимиз дунёқарашини бойитишга, онаюртга бўлган меҳр-муҳаббатини кучайтиришга хизмат қилди. Ижодий учрашувлар давомида йиғилганлар мустақиллик берган неъматларни асраб-авайлаш зарурлигини янада теранроқ англаб етдилар.

Фестиваль ниҳоясида “Кўҳна ва боқий Бухоро” маданий марказидаги амфитеатрда гала-концерт намойиш этилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

### МОДЕРНИЗАЦИЯ

*Китоб туманидаги “Хайробод Сервис” масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган модернизация тадбирлари натижасида бу ерда йиллик пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қуввати 5 миллион донага кўпайди.*

# Ёнилғи тежалади

Шу билан бирга, корхонада электр энергияси асосида ишлайдиган транспорт воситаларидан фойдаланила бошланди. Бу эса ёнилғини анчагина тежаш имконини берди.

— Корхонамизда илгари фойдаланилган эски ускуналардан воз кечиб, дастгоҳларни тўлиқ янгиладик, — дейди жамият раҳбари Исомиддин Сатторов. — Хорижнинг илғор технологиялари эса иш унумдорлиги ортишида муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидлаш кераки, ўтган давр мобайнида тумандаги 7 та саноат корхонасида модернизация тадбирлари амалга оширилиши туфайли бу муассасаларнинг ишлаб чиқариш қуввати қарийб 2 баробар ошди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашнинг мустаҳкам кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрда “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат асосида давлат органлари ва хўжалик бошқаруви тизимида идоралар фаолиятининг долзарб вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ёритишга масъул ахборот хизматлари ташкил этилди.

Маълумки, шу кунларда қонун лойиҳаси синови Самарқанд ва Бухоро вилоятларида амалга оширилмоқда. Шу ўринда нега айнан мазкур қонун лойиҳаси бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказилмоқда, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Чунки мамлакатда ахборот олишни кафолатлайдиган қонун ҳужжатлари мавжуд.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунларида ахборот олишни давлат томонидан кафолатлашнинг умумий шартлари қайд этилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари билан, шунингдек, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурлиги белгилаб қўйилган. Худди шундай норма “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда ҳам ўз ифодасини топган. Лекин уларда ахборотни қандай олиш тартиби ёритиб берилмаган. Эндиликда бу механизмлар “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасида ўз аксини топди.

Қонун лойиҳасининг Бухорода синови таҳлили шуни кўрсатдики, вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг ахборот олиш ҳуқуқини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилди. Бугунги кунда барча туман ва шаҳарларда қонун лойиҳаси ва давлатимиз раҳбари фармойишининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича ишчи гуруҳлар шакллантирилган. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро вилояти ҳудудий бўлими томонидан 200 нафар мутахассисдан иборат тарғибот ва ташвиқот гуруҳлари ташкил этилди. Натижада ҳуқуқий тажриба бошлангандан бери давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ОАВ, нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимларидан ва фуқаролардан бўлаётган сўровлар сони кўпайди. Давлат ҳокимияти органларининг веб-сайтлари ҳам фаоллашмоқда, ахборот хизматлари иши яхшиланмоқда.

Албатта, ҳуқуқий тажрибани самарали ўтказишда фуқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин тутади. Бугун нодавлат нотижорат ташкилотлари жамият ҳаётининг қарийб барча жабҳаларида фаолият олиб бормоқда. Жамиятдаги турли қатламлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаролик жамияти институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан холис ва кенг ахборот олиш ҳуқуқига эга. Қолаверса, бундай ахборот олиш имконияти фуқаролик жамияти институтларига жамиятдаги муайян ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган грант дастурларини самарали рўёбга чиқаришга имконият яратади. Мисол учун, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлашга йўналтирилган грант дастури эълон қилинди. Мазкур дастур мавзу кўлами аёллар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш, оиланинг роли ва аҳамиятини, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини оширишга доир фаолиятни қамраб олади. Мана шу ижтимоий дастурларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан муайян йўналишларда қандай ишлар олиб борилаётгани тўғрисидаги холис ахборотни олиши талаб қилинади. Шундай ахборотни олгандан сўнггина фуқаролик жамияти институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорликда ўз низомларида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлишади.

Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқий эксперимент доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қарорлар ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки даражасига катта аҳамият берилмоқда. Бу борада уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари коллегиал йиғилишларида иштирок этиши қоидаларини тартибга солувчи қонун лойиҳасининг 14-моддаси муҳим аҳамиятга эгадир. Бу, аввало, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг очиқ тартибда ўтказиладиган мажлисларидир. Мазкур йиғилишларда фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг иштирокини амалиётга жорий қилиш имконияти мавжуд. Мажлис якуни бўйича улар доимий комиссияларнинг қарорларини ишлаб чиқишга жалб қилиниши мумкин. Бундай иш усули фуқаролик жамияти институтларининг, умуман, аҳолининг давлат ҳокимияти органларига бўлган ишончини юксалтиради.

Ҳозирги кунда Бухоро вилоятида ҳуқуқий экспериментнинг иккинчи босқичи ўтказилмоқда. Бу босқичда бевосита ахборот олиш ва тақдим этишнинг механизмлари синовдан ўтказилади, уларнинг самарадорлиги аниқланади. Чунки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига фуқаролар ва юридик шахслардан сўровлар келиб тушиши давом этмоқда. Йил охирида ҳуқуқий эксперимент якуни таҳлил қилинади.

Умуман, қонун лойиҳасининг синови бўйича ҳуқуқий тажрибанинг ўтказилиши бир қатор масалаларга аниқлик киритиши кутилмоқда. Масалан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг кенг жамоатчиликка ахборот тақдим этишга нечоғли тайёр эканлиги, фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар ҳажмини аниқлаш ҳамда ахборот олиш ва тақдим этиш механизмларининг самарадорлигига баҳо бериш имконияти юзага келади.

Ҳуқуқий эксперимент натижалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади ва шу асосда ахборот олиш ва тақдим этишни тартибга соладиган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади. Шунингдек, ахборотнинг сифатли ва ўз вақтида тақдим этилиши учун давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарларининг масъулиятини янада оширишга, улар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишга замин яратади. Пировардида, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш учун ҳам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Шуҳрат БАФОЕВ, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро вилояти ҳудудий бўлими раҳбари.**

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2013 йил 12 сентябрь куни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади.**

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Спутник-4» квартали, Канора (собиқ Прикарпатская) кўчаси, 44-уйда жойлашган, Сергели Политехника касб-ҳунар коллежи балансидаги 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/994 FCA бўлган, «УАЗ-3151201» русумли, транспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 663 000 сўм;***

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Юнусобод» қишлоқ кенгаши, Дархон қишлоғида жойлашган, «Davlat belgisi» ДИЧБ Тошкент қоғоз фабрикаси балансидаги, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/463 НВА бўлган «ПАЗ-3205» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 4 586 800 сўм;***

1998 йилда ишлаб чиқарилган, ***бошланғич баҳоси— 6 258 800 сўм*** бўлган, шунингдек,

1999 йилда ишлаб чиқарилган, ***бошланғич баҳоси — 6452900 сўм*** бўлган, 2 та «АБП-8С» русумли автомобилларга ёқилғи қуйиш контейнер блок пунктлари қўйилади.

Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш иш кунларида, мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва аукцион савдоси белгиланган кундан икки кун аввал, соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдога қўйилган мулкларнинг бошланғич баҳосидан камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукцион савдо ғолибига савдо бўлиб ўтган кундан бошлаб йигирма кун муддат ичида тўланган закалат пули миқдори сотиб олинган мулк қийматининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани, олди-сотди шартномасини имзолангунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари аукцион савдоси белгиланган кунда сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар ҳар ҳафта пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

**Аукцион савдолари қуйидаги манзилда, соат 15.00да бошланади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**

**Мурожаат учун телефон/факс: (8-371) 233-23-40. E-mail: TUAS_MCHJ@mail.ru**

Шунингдек, «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ томонидан 2013 йил 18 июль куни ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти балансидаги давлат рақами 10/BD 552 бўлган, «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситаси — 2 800 000 сўмга сотилганлигини ҳамда «Real consult service» МЧЖнинг 2013 йил 6 августдаги 133-сонли хатига асосан, ушбу ташкилот балансидаги давлат рақами 01/189 LCA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси аукцион савдоларидан чиқариб ташланганлиги маълум қилинади.

1319R/793

***Гувоҳнома № 005357.***

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 30 декабрдаги 19-1207/20689-сонли ва 2013 йил 3 майдаги 19-1303/3657-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Шўрчи тумани, Элбаён қўрғонида жойлашган, «Мирза-Эсон» хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхонасига тегишли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Қурилиш ости майдони 500,96 кв.м бўлган, 35 хонадан иборат, 2 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб маъмурий бино.

*Бошланғич баҳоси — 84 748 735 сўм.*

**2.** Қурилиш ости майдони 151,2 кв.м бўлган, 9 хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб савдо дўкони.

*Бошланғич баҳоси — 18 003 008 сўм.*

**3.** Қурилиш ости майдони 77,70 кв.м бўлган, 3 хонадан иборат, бир қаватли милиция таянч пункти биноси.

*Бошланғич баҳоси — 9 456 711 сўм.*

**4.** Қурилиш ости майдони 42,24 кв.м бўлган, бир хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган таъмирталаб токарлик хонаси.

*Бошланғич баҳоси — 1 655 579 сўм.*

**5.** Қурилиш ости майдони 1099,28 кв.м бўлган, бир хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган таъмирталаб омборхона биноси.

*Бошланғич баҳоси — 75 844 266 сўм.*

**6.** Қурилиш ости майдони 540,0 кв.м бўлган, бир хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган таъмирталаб ғишт қуритиш биноси.

*Бошланғич баҳоси — 19 812 374 сўм.*

**7.** Қурилиш ости майдони 32,0 кв.м бўлган, бир хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган таъмирталаб ғишт тахлаш биноси.

*Бошланғич баҳоси — 5 850 830 сўм.*

**8.** Қурилиш ости майдони 57,6 кв.м бўлган, 2 хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган таъмирталаб бир ва 2-сонли трансформатор биноси.

*Бошланғич баҳоси — 5 221 779 сўм.*

**9.** Қурилиш ости майдони 14,70 кв.м бўлган, 4 хонадан иборат, бир қаватли таъмирталаб ҳожатхона биноси.

*Бошланғич баҳоси — 745 780 сўм.*

**10.** Қурилиш ости майдони 146,0 кв.м бўлган, 13 хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган таъмирталаб ҳаммом биноси.

*Бошланғич баҳоси — 19 771 522 сўм.*

**II.** Аукцион савдосига Сариосиё тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 27 сентябрдаги 19-1006/13808-сонли, 2011 йил 19 декабрдаги 19-1106/15465-сонли ва 2011 йил 21 ноябрдаги 19-1103/16580-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сариосиё тумани, «Дашнобод» ҚФЙ, Нилоба қишлоғида жойлашган, «Сариосиё дон маҳсулотлари қабул қилиш» корхонасига тегишли, умумий майдони 2000,0 кв.м бўлган, 18 хонадан иборат, бир қаватли, ошхона, меҳмонхона ва нон цехи биноси қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 203 652 830 сўм.*

**III.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 13 июлдаги 1-250-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Ҳазорбоғ» ҚФЙ, Чим маҳалласида жойлашган, умумий майдони 1500,0 кв.м бўлган, бир қаватли қурилиши тугалланмаган яшаш уйи қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 11 451 592 сўм.*

Аукцион савдоси 2013 йил 16 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 13 сентябрь куни соат 18.00.

**IV.** Аукцион савдосига Бойсун тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2012 йил 22 октябрдаги 1-6322/12 - сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бойсун тумани, Тузбозор маҳалласи, Т. Пиров кўчасида жойлашган, умумий майдони 662,15 кв.м., 1975 йилда қурилган, бир қаватли идора ва ёрдамчи (А, Б, В, Г литердаги) бинолар такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 24 612 000 сўм.*

**V.** Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 7 майдаги 19-1207/5622-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани, «Бешқўтон» ҚФЙ, Э. Жўраев маҳалласида жойлашган, «Ирригация ишлари» хусусий корхонасига тегишли, умумий майдони 179,01 кв.м., 1963 йилда қурилган, бир қаватли пайвандлаш цехи биноси такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 23 026 584 сўм.*

**VI.** Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан ЖИБ Шеробод тумани судининг 2013 йил 11 февралдаги 1-17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани, «Халқобод» ҚФЙ, Ч. Қувондиқов маҳалласида жойлашган, умумий майдони 600,0 кв.м., 2010 йилда қурилган, бир қаватли 5 хонадан иборат яшаш уйи ва бино иншоотлари такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 112 837 866 сўм.*

Аукцион савдоси 2013 йил 3 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 30 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг «Трастбанк» ХОАББ Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000049206090274; МФО: 01063; СТИР: 207122519.

**Буюртмалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (8-376) 227-57-94. www.1kms.uz, rieltsavdo@inbox.uz**

1310A/1453

*Хизматлар лицензияланган.* *Лицензия: RR-0001.*

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

*«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 13 сентябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилган:*

**1.** Суд департаменти Фарғона вилояти худудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, “Эркабоевлар” МЧЖга қарашли, умумий майдони 1 894,38 кв.м, фойдаланиш майдони 1 629,45 кв.м. бўлган 0001-0009, 0009а, 0009б, 0010, 0011, 0012-литерлардаги ишлаб чиқариш базаси бино ва иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси – 111 914 922 сўм.***

**2.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, “Эркабоевлар” МЧЖга қарашли, қурилиш ости майдони 4 423,78 кв.м, фойдаланиш майдони 1 012,0 кв.м. бўлган 0001-0016 литерлардаги «Керамзит базаси» бино ва иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси – 403 580 496 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 11 сентябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунлик муддатида тўлалигича тўлаши керак. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиш, савдода қатнашиш учун ҳужжатларни тақдим этиш юзасидан ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй. Тел: (8-373) 224-69-96, (+99890) 231-38-59.**

1317A/105

***Хизматлар лицензияланган.*** *Лицензия: № RR-0017.*

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Фарғона вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «1-Кўчма механизациялаштирилган Карвон» хусусий корхонасига тегишли, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Нишонобод» МФЙда жойлашган Лаборатория ва ёрдамчи бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 429 662 136 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 11 сентябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 9 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011; МФО: 00497; СТИР: 207122519.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй. Телефон: (8-373) 224-46-39. www.1kms.uz reiltsavdo@inbox.uz**

1320R/1453

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.*

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Қашқадарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*Аукцион савдосига Суд департаментининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 17 февралдаги 2-2-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Maxtel Constraction» корхонасига тегишли қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:*

**1.** Қарши шаҳри, «Табассум-1» МФЙ, Б. Шерқулов кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 1708,14 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 1555,67 кв.м. бўлган «Мовий гумбаз» чойхонаси.

*Бошланғич баҳоси — 588 521 400 сўм.*

**2.** Қарши шаҳри, Жайҳун кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 14426,67 кв.м., қурилиш майдони 2365,32 кв.м. бўлган «Ёрдамчи хўжалик» бинолари.

*Бошланғич баҳоси — 188 532 200 сўм.*

Аукцион савдоси 2013 йил 30 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 28 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009; МФО: 00190; СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой (собиқ М. Абдуллаева) кўчаси, 20-уй. Тел.: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz, rieltsavdo@inbox.uz**

1316A/1453

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.*

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

*ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!*

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2013 йил 12, 19, 26 сентябрь ва 3, 10 октябрь кунлари ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.**

**Оммавий оферта савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги банк улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг: Манзили | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг: Асосий фаолият йўналиши | Савдога қўйилаётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%) | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси: сўм | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси: АҚШ доллари |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «NAMANGAN QOG'OZI» МЧЖ | Наманган вилояти, Наманган ш., Курувчилар к., 50-уй. | Канцелярия ва қадоқлаш жиҳозларини, офсет ва ёзув қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда бошқа фаолият турларини амалга ошириш. | 100% | 3 859 212 000,0 | 2 008 186,33 |
| 2. | «NUKUS AGRO» МЧЖ | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай аули. | Помидор етиштириш ҳамда томат қайласи, томат шарбати ва бошқа томат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, полиз экинлари ҳамда уруғлик маҳсулотларини етиштириш, аҳолидан шу билан боғлиқ маҳсулотларни йиғиш, улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш ва бошқа фаолият турларини амалга ошириш. | 100% | 1 757 010 000,0 | 922 363,39 |
| 3. | «LINPLAST» МЧЖ | Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Саноат ҳудуди. | Қурилиш маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларини турлари бўйича ишлаб чиқариш. | 100% | 8 427 313 000,0 | 4 347 112,86 |

**Оммавий оферта шартлари:**

оммавий оферта савдоси ғолиби сотилаётган улуш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддат ва шартларда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига ТИФ Миллий банкининг АҚШ доллари учун базавий ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объектлар фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағларни харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлиқ тўлаш шарти билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ ҳаражатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), оммавий оферта савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ҳамда бошқа юзага келадиган барча ҳаражатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оммавий оферта савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдо ташкилотчиси томонидан, талабгорлардан таклифларни қабул қилиш, иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Оммавий оферта савдоларида иштирок этиш учун, савдога қўйилаётган «Namangan qog'ozi» МЧЖ, «Nukus agro» МЧЖ ва «Linplast» МЧЖ улушлари бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пули талабгорлар томонидан «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланиши шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлар ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан юқорида кўрсатилган манзилга бориб яқиндан танишишлари мумкин.

Оммавий оферта савдоларига тақдим этилган таклифларни кўриб чиқиш савдо ўтказилиши белгиланган куни соат 11.00 да бошланади.

Оммавий оферта савдоларига талабгорларнинг таклифлари ва уларни кўриб чиқиш қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават,
307-хона (мажлислар зали).**

***Қўшимча маълумотлар учун:***

**Сотувчи:**

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки,
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.
Тел.: (8-371) 234-11-22, 234-15-60.
Факс: (8-371) 234-43-31.

**Савдо ташкилотчиси:**

«Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ,
Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.
Телефон: (8-371) 233-02-49. Факс: (8-371) 233-23-40.
E-mail: TUAS_MCHJ@mail.ru

1318R/793

***Гувоҳнома № 005357.***

OHANGARONSEMENT
EURO CEMENT
ЕВРОЦЕМЕНТ груп

**ихтисослаштирилган корхоналарни «ЭКГ-5А», «ЭКГ-5», «ЭКГ-4,6» экскаваторларини капитал ва жорий таъмирлаш учун таклиф этади.**

***Мурожаат учун телефонлар:***

***(8-370) 645-70-20***
*(қўшимча 67-646)*
***(8-370) 645-70-20***
*(қўшимча 67-833)*

1142A/653

“Uzbekistan Today” Ахборот агентлиги жамоаси “Uzbekistan Today Magazine” журнали бош муҳаррири Дилбар Юлдашевна Бабаджановага волидаи муҳтарамаси

**Азиза БАБАДЖАНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси университет собиқ ректори, филология фанлари номзоди, доцент

**Абдулла Абдулхаевич ИСМОИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси университетнинг Ташқи иқтисодий фаолият кафедраси мудири, доцент Ибодулло Садуллаевич Ҳотамовга волидаи муҳтарамаси

**ЗУЛФИЯ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Истиқлол сурури



## САОДАТ КАЛИТИ

*Фаолиятим юзасидан кунига ўнлаб ёшлар билан суҳбатлашаман, бўлажак келин-куёвлар билан мулоқот қиламан. Очиғи, бугунги йигит-қизларимизнинг билими, дунёқараши, ғайрат-шижоатини кўриб ҳайратланмай илож йўқ. Орзуларининг беғуборлигини айтмайсизми? Бахтли бўлиш, бахтли яшаш иштиёқи жўш уриб турибди юракларида.*

*Яқинда бўлимимизда 611-никоҳ қайд этилди. Чеҳрасида ўзбекона ҳаё балқиб турган келинга, одоб сақлаб турган куёвга қараб кўпчиликнинг ҳаваси келди. Узукка кўз қўйгандек ярашиб туришибди бир-бирларига. Ахир бундай ёш оилалардан халқимизнинг умиди катта.*

*Давлатимизга раҳмат! Янги йил арафасида биз учун кўшқаватли бино қуриб берилди. 532 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Кирсангиз, баҳридилингиз очилади. Барча шарт-шароит муҳайё. Бу ерга келган ёшлар оиланинг муқаддаслигини теран ҳис этиши табиий. Бахт калити юртга, бир-бирларига меҳр қўйиб яшашда эканини янада чуқур англаб етишади. Нима дердим, “Бахт уй”ларимиз узра ҳамиша заррин ва майин нурлар сочилаверсин.*

**Дилдор ЗИЯДУЛЛАЕВА,**
**Пешку тумани Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири.**

*Адабиёт инсон руҳиятини тадқиқ этади, қалбини поклашга хизмат қилади. Бинобарин, бугун Истиқлол берган эркинликнинг энг буюк таъсири қалбдаги, тафаккурдаги ҳурликда намоён. Сўз санъатида, не бахтки, ҳурфикрлик ифода топаяпти. Энг муҳими, эски қафаслар, қолиплар бузилди. Яъни ижод аҳли кўпик мафкура тарғиботчиси эмас, инсон кўнгли тадқиқотчиси сифатида қалам тебратяпти. Асарларни баҳолашда адабий қаҳрамонларнинг қайси синфга мансублигию партия ғояларини қай даражада тарғиб этгани тафтиш қилинадиган ва бу қараш бош мезон сифатида қатъий белгиланган замон қора ўтмиш саҳифаларида қайтмас бўлиб қолди.*




# ОЙДАН ТУШГАН ЭМАС...

Эндиликда ижодий намуналар савияси ёзувчининг бадиий маҳоратига, услубига, мавзу миқёсига, илгари сурган эзгу мақсадига қараб белгиланадиган бўлди. Адабиёт дарёси асл ўзанига қайтди, кўнгилга яқинлашди. Ҳазрат Навоийдан мерос абадий мавзулар, латиф туйғулар тараннуми яна қоғозга кўчаяпти. Адабиёт миллатнинг қиёфасини, ўзлигини, тилининг гўзалликларини акс эттирадиган ва асраб-авайлайдиган кучли таъсир воситасига айланяпти. Илгари Ватан деганда мавҳум тушунча баландпарвоз пафос билан ифодаланарди. Ҳозир реалликка айланган ўз она-юртимизни самимий меҳр билан чин юракдан куйлаяпмиз.

Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида ҳам, “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида ҳам бош мавзу инсон камолоти эканлигини яққол англаймиз. Зеро, моддий фаровонлик, жисмоний баркамоллик билангина башарият инсонийлик қиёфасини сақлаб қололмайди. Бугун дунёнинг айрим давлатларида ахлоқсизликларнинг, маънавий тубанликларнинг меъёрий ҳолга айланиб бораётгани қалби уйғоқ одамни жиддий ташвишга солиши аниқ. Юқоридаги санаб ўтилган асарлардаги эзгу мақсад одамзодни маънавий таназзулдан асраш, огоҳликка даъват этишдир. Хусусан, Президентимизнинг адабиёт аҳлига мурожаатидаги: “Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятни эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни, ёзувчи “Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қиляпсан?” деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади”, деган таъкидлари ҳар бир ижодкор фаолиятида дастуриламал бўлиши зарур. Шаклидан қатъи назар, барча бадиий асарлар миллий ўзлигимиз ва умуминсоний қадриятларнинг энг ибратли жиҳатларини тарғиб этишга хизмат қилиши керак. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, кўнгилга ёруғлик олиб кирадиган асарлар ҳали яратилади, дейишга асосимиз бор. Бу ўринда ижодкор ёшларимизга берилаётган имконият ва имтиёзлар, “Ижод” жамоат фондининг ташкил этилгани, “Биринчи китобим” туркумидан илк асарларнинг кўп минглаб нусхада чоп қилиниб, тарғиботи йўлга қўйилгани, айниқса, Дўрмон ижод уйида тажриба ва маҳорат мактаби бўлган семинарлар мунтазам йўлга қўйилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Адабиёт — замон ва қалб кўзгуси. Инсон ўз аксини кўргани учун кўзгуга тез-тез нигоҳ ташлаб туради. Камчиликларини кўзгуга қараб тўғрилайди, чиройли бўлишга интилади. Шу маънода, адабиётда кишилар ўз аксини, гўзал орзу-умидлари ифодасини кўришга ҳақли. Яъни замон аҳли кайфиятига, руҳиятига, феъл-атворига хос характерли ибратли адабий қаҳрамонлар бўлиши зарур. Юртбошимиз ижодкорлар олдига ғоят муҳим талаб қўйганлар. Одамлар ҳавас қиладиган, ўрнак оладиган, гап-сўзларини кундалик ҳаётда қўллаб, исмларини фарзандларига қўядиган даражадаги адабий тимсолларгина замон қаҳрамони бўла олади. Бундай образ яратиш масъулиятли, албатта.

Давлатимиз раҳбари маънавиятимизни юксалтиришда ҳеч қачон ўз қобиғимизга ўралиб қолмаслигимиз кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Ёш авлодни умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда жаҳон адабиёти нодир намуналарининг аҳамияти ва таъсири беқиёс. Шуни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда “Жаҳон адабиёти” журнали мунтазам нашр қилинаяпти. Журналда устоз Озод Шарафиддинов бошлаган таржима анъаналари изчил давом этмоқда. Кейинги йилларда дунё адабиётининг йирик намояндалари асарлари ўзбек тилига ўгирилганини алоҳида эътироф этиш зарур. Шунингдек, аввал таржима қилинган классик асарларнинг лотин алифбосида ёш китобхонларга етказилаётгани ҳам диққат-эътиборга сазовор. Лекин ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган даврда фақат босма нашрлар билан кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Юртбошимизнинг “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласида алоҳида урғу берилганидек, адабиётимиз тарғиботида интернет имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиш зарур. Ана шу мақсадда бир қанча махсус сайтлар ташкил қилинди. Эндиликда шоир-ёзувчиларимизнинг ўз сайтларини яратиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтаётган адабий анжуманларда, мушоираларда, машварат ва тўгарак машғулотларида ёш истеъдодларнинг хорижий тилларда ёзган асарларига гувоҳ бўлиб, ғоят қувонамиз. Улар дунё адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш билан кифояланмай, ўзлари ҳам чет тилларда равон асарлар яратмоқда. Яқинда бўлиб ўтган семинарда ёш ижодкор синглимиз Дилнура Собирова Алишер Навоийнинг рубоийларини инглиз тилига таржима қилишга киришганини билдирди. Ишонч билан айтиш мумкинки, вақти келиб Навоий бобомизнинг асарлари фақат мазмунан эмас, оҳанг жилвалари, бадиияти билан ҳам бошқа тилларга таржима қилинади. Шунда жаҳон аҳли Навоий даҳоси олдида яна бир бор таъзим қилади.

Ҳозир белни маҳкам боғлаб ишлайдиган, меҳнатинг тез юзага чиқадиган замон. Биз бугун тарихий даврни бошимиздан кечиряпмиз. Асрлар ўтиб шу кунлар Президентимиз бошчилигида буюк Ўзбекистоннинг пойдевори яратилган олтин давр сифатида эҳтиром билан тилга олинади. Истиқлол учун сидқидилдан хизмат қилиш истаги бутун халқимизни улкан ютуқлар сари бошлаяпти. Қадр-қимматимиз, таянчимиз ва ифтихоримиз бўлган мустақил Ўзбекистонимиздаги ҳар бир кун тараққиётга қўйилаётган дадил қадам бўлаяпти. Ҳозирданоқ самараларини бераётган саъй-ҳаракатлар келгусида юртимизни орзулардаги обод Ватанга айлантириши, шубҳасиз.



***Ҳеч кимни бахт ўз-ўзидан қучган эмас,***
***Қуш ҳам кўкка машаққатсиз учган эмас.***
***Ойдин тунлар, осойишта, тиниқ тонглар***
***Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.***

***Мевасин еб, боғини ҳам сўраб қўйгин,***
***Керак бўлса, боғ атрофин ўраб қўйгин.***
***Ниҳолларнинг кокилларин тараб қўйгин,***
***Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,***
***Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.***

***Бу бинолар қайдан бино бўлди экан?***
***Ким боболар қаддин расо қилди экан?***
***Нечук бизни бугун дунё билди экан?***
***Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,***
***Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.***

***Эртакларда мўъжизалар сеҳр сабаб,***
***Гулу гиёҳ кўкаргайдир меҳр сабаб.***
***Тафаккурнинг ҳурлигига недир сабаб?***
***Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,***
***Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.***

***Ўн саккизга кирган йигит сўзига боқ,***
***Юзига боқ, олов ёнган кўзига боқ.***
***Бу энг буюк хазинадир, дўстим, бироқ***
***Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,***
***Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.***

***Шижоатнинг, жасоратнинг маҳсули бу,***
***Ироданинг, заковатнинг маҳсули бу,***
***Улуғ Инсон танлаб олган ҳақ йўли бу,***
***Ўзбекистон, бундайин бахт ўзи келмас,***
***Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.***

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## АЖОЙИБОТ

*Қоронғи тунда осмонда юлдузнинг учиб, ўзидан ёруғ из қолдиришини кўрмаган киши бўлмаса керак. Бу ҳол каттаю кичикка бирдек завқ бағишлайди. Агар самода “учар юлдузлар” пайдо бўлса-чи? Бу янада ҳайратланарли ва ғаройиб ҳодисадир. Негаки, бундай пайтда гўё осмондан юлдуз узилиб тушгандек туюлади, кишига. Келаётган ҳафтада Ер юзи аҳолиси шундай ҳодисани давомли кузатиш имконига эга бўлади. Эътиборлиси, “юлдузлар ёмғири”, деб ном олган бу жараёндан юртдошларимиз ҳам бебаҳра қолмайдилар.*

# Коинотда «юлдузлар ёмғири»



Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти директори ўринбосари Собит Илёсов қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ҳақиқатан ҳам, шу йилнинг 12 августидан 13 августига ўтар кечаси, ярим тундан сўнг мамлакатимизда кетма-кетликда учаётган юлдузларни кўриш мумкин. Мазкур “учар юлдузлар”нинг ҳақиқий юлдузларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар фанда “метеорлар” деб аталади. Булар ушоққина заррачаларнинг атмосферага кираётиб ёниб кетишидан ҳосил бўлади. Ер ўзининг Қуёш атрофидаги ҳаракати давомида турли ўлчамлардаги кўплаб космик чанг заррачалари билан тўқнашади. Массаси миллиграммга тенг бўлган бундай заррачалар Ер атмосферасига катта тезликда кириб, ҳаво билан кучли ишқаланиши туфайли ниҳоятда қизийди ва ерга етиб келишга улгурмай 80-130 километр баландликда тўла ёниб кетади.

Метеорлар учиши жуда ҳам оддий ҳодисадир. Ер атмосферасида бир кеча-кундузда кўз илғай олувчи 100 миллионга яқин метеорлар учади. Лекин бу ҳодисалар сайёрамизнинг турли ҳудудларида бўлиши сабабли уларнинг аксариятини биз пайқамай қоламиз. Аммо баъзи ҳолларда метеорлар сонининг жуда ҳам кўпайишига гувоҳ бўлиш мумкин. Бунга сабаб Ер ўзининг Қуёш атрофидаги орбитасида ҳаракатланиб, қачонлардир парчаланиб, коинот бўйлаб тарқалиб кетган комета булутини кесиб ўтаётган чоғда метеорлар оқими кузатилади. Агар уларнинг ҳаракатига эътибор берсангиз, тартиб билан, гўё бир нуқтадан учиб чиқаётгандек туюлади. Бундай нуқталарга “радиантлар” деб ном берилган. Метеор оқимларининг радианти қайси юлдуз туркумига тегишли эканлигига кўра, оқимга ўша туркум номи берилади. Масалан, Персеидлар, Ореонидлар, Леонидлар ва ҳоказо.

Сайёрамизнинг шимолий яримшаридагилар учун шу йил август ойининг ўртаси “юлдузлар ёмғири”ни кузатиш учун энг қулай вақтдир. Бу пайтда Персеидлар оқимидан учаётган метеорларни махсус техникасиз, оддий кўз билан ҳам илғаш мумкин. Бу пайтда соатига 100 га яқин метеор парвоз қилади. Персеидлар оқими Сфифт-Туттль кометасининг қолдиқлари бўлиб, у Ерга мунтазам яқинлашиб турувчи энг йирик самовий объектдир. Бу комета охирги марта сайёрамизга 1992 йилда яқинлашган эди. Ўшанда жараён дурбин ёрдамида кузатилганди. 1993 йилда ундан чиқаётган метеорлар сони соатига 500 тага етган. Шундан сўнгги 20 йил ичида оқим кучи камайиб кетди. Кометанинг келажакдаги Ерга яқинлашуви 2126 йилда рўй бериши тахмин қилинаяпти. Ўшанда уни оддий кўз билан кўришга имкон бўлади. Унгача ҳали анча вақт бор. Ҳозирча 12 августдан 13 августга ўтар кечаси содир бўлувчи “юлдузлар ёмғири”дан баҳра олиб турайлик. Бунинг учун ўша куни ярим тундан сўнг чироқлардан холи жой танлаб, осмон гумбазидан Персей юлдуз туркумини топиб олишимиз керак. Персей туркуми ёнида ҳамма учун таниш, лотинча “дабль-ю” (w) ҳарфига ўхшаб кетувчи Кассиопея юлдуз туркуми жойлашган. Уни ўзингиз учун белгилаб олсангиз, паст томонидан Персеидлар радиантини кўришингиз мумкин.

**«Халқ сўзи» мухбири Омонулла ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.**

# Полвонларимиз Осиё чемпиони

Хитой Тайпейида кураш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз учта олтин, битта кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритишди.

Йигирмадан зиёд давлат вакиллари иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада, жумладан, Нурбек Бердиёров, Абдураҳмон Абдуллаев ва Нарзиқулзода Жаҳонгирий ғолибликка эришди. Ҳикматулла Тўраев кумуш, Жамшид Пўлатов, Муҳаммадали Шамсиддинов ҳамда Асқарбек Хайруллаев бронза медалига сазовор бўлди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

Спорт ● Sport ● Спорт

*Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманида Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб хотин-қизлар ўртасида спорт фестивали бўлиб ўтди.*

## Мақсад — соғлом турмуш тарзи

Тадбир туман хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида ўтказилган ушбу спорт байрамида ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган хотин-қизлардан иборат олти жамоа спортнинг волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, гимнастрада турлари бўйича ўзаро беллашди.

Мусобақада туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●







*(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 13 август — сешанба куни чиқади).*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 697 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5